

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Геология ва кончилик факультети

**5311500 - «Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим
йўналиши**

“Кончилик иши ва геодезия” кафедраси

**«Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли массив худудидаги сув
ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш» мавзусидаги
битирув малакавий ишининг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИни бажарувчи:

БМИ раҳбари

Маслаҳатчи

Мухаммадиев Камолиддин Абдузоир ўғли

Бозоров Малик Муминович

Аралов Музаффар Мухаммадиевич

«Ҳимояга рухсат этилди»

Кафедра

муdiri_____

қ.х.ф.н.Ғ.Алиқулов

«_____»_____2016 й.

**«Ҳимоя учун ДАК га
юборилди» факультет декани**

_____доц.М.И.Раҳматов

«_____»_____2016 й.

Қарши 2016

Қариш мухандислик иқтисодиёт институти

(Олий ўқув юрти номи)

Геология ва кончилик _____ факультети

Кончилик иши ва геодезия _____ кафедраси

Геодезия, картография ва кадастр _____ йўналиши

Тасдиқлайман:

Кафедра мудири

доц.Ғ.Алиқулов

« _____ » _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Мухаммадиев Камолиддин Абдузоир ўғли

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси. «Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли массив худудидаги сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш»
« _____ » _____ 2016й _____ сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати _____ 2016 йил _____

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар

1) Охунбобоев номли массивининг табиий-иқтисодий ҳолати тўғрисида маълумотлар

2) Ер ва экин турларини амалдаги жойлашув тархи (1:10000 микъёсда)

3) Контурлар бўйича майдонлар қайдномаси

4) Сув иншоотлари харитаси

4. Ҳисоблаш - тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

1-БОБ. Массив тўғрисида умумий маълумотлар 2-БОБ. Сув кадастрининг Давлат кадастрлари ягона тизимидаги аҳамияти. 3-БОБ. Массивда сув кадастрини юритиш натижалари Хулоса. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Иловалар.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1) Сув иншоотларининг жойлашув тархи

2) Сув иншоотларига рақамларни шакллантириш

6. Битирув иши бўйича маслаҳатлар.

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар ф.и.ш.	Имзо, сана	
1	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			
2				

7. Битирув ишини бажариш режаси.

Т/р.	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текшир увдан ўтганли к муддати	Раҳбар имзоси
		сана	кун	%		
1.	<i>Ишчи дастурни тузиш</i>	01.04.16	2	2	01.04.16	
2.	<i>Кириш қисмини ёзиш</i>	2-3.04.16	2	3	03.04.16	
3.	<i>1-БОБ. Массив тўғрисида умумий маълумотлар</i>	4-8.04.16	13	9	08.04.16	
4.	<i>Охунбобоев номли массивининг ер турларини жойлашув тархини чизиш</i>	09- 11.04.16	3	5	11.04.16	
5.	<i>Тупроқ харитасини чизиш</i>	12- 14.04.16	3	5	14.04.16	
6.	<i>2-БОБ. Сув кадастрининг Давлат кадастрлари ягона тизимдаги аҳамияти</i>	15.04- 01.05	12	28	1.05.16	
7.	<i>3-БОБ. Массивда сув кадастрини юритиш натижалари</i>	02- 20.05.16	14	30	20.05.16	
8.	<i>Сув кадастрини юритиш харитасини чизиш</i>	21-22.06	2	3	22.05.16	
9.	<i>Сув кадастрини юритиш натижалари (жадвал).</i>	23-24.05	2	3	24.05.16	
10.	<i>Хулоса ёзиш</i>	25-26.05	2	3	26.05.16	
11.	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш</i>	27.05.16	1	2	27.05.16	
12.	<i>Иловаларни тайёрлаш</i>	28.05.16	2	2	28.05.16	
13.	<i>Битирув малакавий ишини расмийлаштириш ва химояга тайёргарлик кўриш</i>	29- 31.05.16	3	5	31.05.16	
	<i>Жами</i>		61	100		

Битирув иши раҳбари _____ М. Бозоров _____

(ф., и., ш), (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим _____ К. Мухаммадиев _____

(ф., и., ш), (имзо)

Топшириқ бажарилган сана _____ 2016йил

МУНДАРИЖА

т/р.	Малакавий битирув ишининг таркибий қисмлари	Бетлар
1.	Топшириқ ва тақвимий режа	
2.	Ишчи дастур	
3.	Кириш	
4.	1-БОБ. Массив тўғрисида умумий маълумотлар	
5.	2-БОБ. Сув кадастрининг Давлат кадастрлари ягона тизимидаги аҳамияти	
6.	3-БОБ. Массивда сув кадастрини юритиш натижалари	
7.	Хулоса	
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9.	Иловалар	

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
Геология ва кончилик факультети

Геодезия, картография ва кадастр бакалавриатура
таълим йўналиши

Кончилик иши ва геодезия кафедраси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
кафедра мудири
доц. Ғ. Алиқулов
« ____ » _____ 2016 йил

«Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли массив ҳудудидаги сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш» мавзусидаги битирув малакавий ишининг

ИШЧИ ДАСТУРИ

Бажарувчи:

К. Муҳаммадиев

Рахбар:

М.Бозоров

ҚАРШИ – 2016

Кириш

1. Давлат кадастрлар ягона тизимининг моҳияти
2. Давлат сув кадастрининг моҳияти, мақсади ва вазифалари
3. Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади

1-боб. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

- 1.1 Массив тўғрисида умумий маълумотлар
- 1.2 Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари
- 1.3 Тупроқ тавсифи
- 1.4 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

2-боб. Сув кадастрининг Давлат кадастрлари ягона тизимидаги аҳамияти

- 2.1 Давлат кадастрлар ягона тизимида сув кадастрини аҳамияти
- 2.2 Давлат сув кадастрининг мазмуни
- 2.3. Гидротехника иншоотлари ва уларнинг синфланиши
- 2.4 Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишнинг умумий масалалари
- 2.5 Массивда ҳаёт фаолият хавфсизлигининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

3-боб. Массивда сув кадастрини юритиш натижалари

- 3.1 Давлат кадастрлари ягона тизими юритишнинг амалдаги ҳолати
- 3.2 Давлат сув кадастри материалларидан фойдаланиш тартиби
- 3.3 Давлат сув кадастрини юритиш давлат ташкилотларининг функциялари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Давлат сув кадастрини юритиш тизимининг ягоналигини таъминлаш учун Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (Давлат сув кадастрининг тегишли бўлимлари бўйича) ишлаб чиқиладиган Давлат сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмалар, Давлат сув кадастри нашрлари макетлари ва Давлат сув кадастри бўйича бошқа норматив-техник ҳужжатлар "Ўзгидромет" маркази билан келишиб олиниши керак.

Сувдан фойдаланувчиларни сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлашда тезкорликни ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш даражасини ошириш учун "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ташкил этилади.

Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона техник топшириқ асосида "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ ахборот тизимлари негизида лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади.

Давлат сув кадастрини юритиш учун ер усти сувлари, ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро бош маркази, Давлат сув кадастри идораларга қарашли бош марказлари ташкил этилади.

Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади

Битирув малакавий ишини бажариш учун Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Охунбобоевномли массивининг суғориладиган ерлари асосий объект қилиб танланди.

Битирув малакавий ишини бажариш учун амалиёт даврида тўпланган материаллар, меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

Ўқув жараёнида олинган назарий билимларни услубий ва амалий жихатдан қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун сув кадастрини юритиш масалаларини кўриб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган.

Биринчи бобда массив тўғрисида умумий маълумотлар, табиий ва иқтисодий кўрсаткичлар берилган. Иккинчи бобда сув кадастрини юритиш услублари. Учинчи бобда массивда сув кадастрини юритиш натижалари ёритилган. Битирув малакавий иши ёзма ва 2 та чизма қисмлардан иборат бўлиб, унинг таркибида топшириқ, тақвимий режа, ишчи дастур, кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалар берилган ҳолда тайёрланди ҳамда расмийлаштирилди.

1-боб. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

1.1 Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Охунбобоев номли массив 2000 йил ташкил топган бўлиб, у Чироқчи туманининг шимолий қисмида жойлашган.

Массив ҳудудида давлат далолатномасига биноан 4655,3 1832 га ер майдони доимий фойдаланиш учун берилган. Массивнинг асосий йўналиши пахтачилик ҳисобланади. Қўшимча равишда полиз ва ем-хашак, экинларини етиштиради.

Массив ҳудуди вилоят ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўллар орқали яхши боғланган, хўжаликдан туман марказигача 15 км вилоят марказигача 20 км.

Юқоридаги маълумотлар массив тўғрисидаги умумий маълумотлари-дир. Шу билан бирга массивни келгусидаги ривожланиши истиқболларини белгилаш, уларни аниқлаш учун биринчи галда массивларнинг табиий шароитлари, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар томонлама чуқур билиш лойиҳасида қабул қилинадиган ечимларини ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2 Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари

Иқлим шароити бўйича массивнинг ҳудуди ерининг ярми чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг намлиги ёзда ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишининг юқорилигидир.

Қашқадарё шаҳридаги метеостанцияни берган маълумотлар асосида 1.1-жадвалда келтирилган ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати $12,5^{\circ}$ қ 13° ҳаво ҳароратининг энг пастга тушиши декабр ойида, энг юқори даражага кўтарилиши июль ойларида, апрель ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади, шу даврда ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати 10° С дан ташкил топади. Ўртача йиллик атмосферанинг намлиги 268 мм. ни ташкил қилади.

Совуқ кунлар йил давомида 203 кунни ташкил этади. Ўртача кузги совуқ кунлар 21 октябр ва охириги совуқ кунлар 31 мартгача давом этади.

Йиллик ёғингарчилик миқдори 256-266 мм ни ташкил этади. Шамол тезлиги ўртача 1,4 м/сек.

Ёғингарчиликнинг асосий қисми қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Иқлимни салбий томони ҳавонинг кўпинча қуруқ бўлишидир. Намгарчилик ёз ойларида кам бўлади. 29-37 % ни ташкил қилади. Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 47 % га тенг. Буғланиш жуда юқори 1543 мм. Бу кўрсаткич йиллик ёғин миқдоридан бир неча баробар ортиқ.

Массивнинг рельефи асосан текисликдан иборат бўлиб жанубга ва жанубий-ғарбга яъни дарё томонга қараб кучсиз қияликдан иборат.

1.1-жадвал

Иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Метеостанция номи	Кўрсаткичлар	Ойлар												Йиллик
			I	II	V		I	II	III	X		I	II	
Қашқадарё	Температура	2.6	.2	.4	4.4	0.6	7.4	5.4	5.2	8.2	2.2	.6	.6	3.0
	Ёғингарчилик	3	8	5	0	4	0	3			9	9	3	68
Қашқадарё	Температура	1,1	,4	,8	4,7	2	4,9	6,7	4,8	9,2	2,6	,6	,8	3,3

1.3 Тупроқ тавсифи

Массив территориясида жойлашган типик бўз тупроқ ва тупроқнинг устки 3 гуруҳга бўлинган: бўз тупроқ, бўз ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқ. Хар бир кичик типдаги тупроқлар уларнинг табиий ривожланиш шароитлари, яъни маданий-маиший, шўрланиш, ювилиш, гумус горизонталлари, механик таркиблари бўйича яна бир қанча тупроқ ҳилларига бўлинган. Массив ерлари хаммаси 3 та тупроқ ҳилларига бўлинган.

Типик бўз тупроғи кам гумусланган, карбонатли ва тупроқ остидагича тавсифланади. Барча типдаги тупроқлар ювилиш эрозиясига учраган. Ер усти

сувлари таъсирида ювиладиган тупроқлар ер ости йўлларига тушиб кетади. Натижада ювилган ва ювиладиган тупроқ келади. Олдиндан суғориладиган ерлар тупроқлари янгидан суғориладиган, янги ўзлаштирилган ва эскидан суғориладиган ерларга киради. Янгидан ўзлаштириладиган ерлар 3-7 йилда ўзлаштирилади. Тупроқ таркибидаги, устидаги (0-30 см) ўзгарувчан ва қолгани ўзининг таркибидаги ерлар.

Янги суғориладиган тупроқлар 30-40 йилда характерлидир. Қаттик ювиладиган жойлашган ерлар 5⁰ баландликда гумус қатламининг қалинлиги 25 см.дан кам эмас. Эскидан суғориладиган ерлар 50 йил суғориладиган тартибли тупроқлар, янги таъсирлари билан ҳам тавсифланади.

Ирригация, мелиорация ва йўл шахобчалари тавсифи. Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шахобчалар тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Охунбобоев номли массивининг далаларга суғориш шахобчалари билан, яъни суғориш суви билан анча яхши таъминланган негаки бу массивнинг асосий суғориш манбаи бўлиб Амударёдан сув оладиган каналлар ҳисобланади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки – бу каналлар асосан ерда қазилган инженерлик жихозлари билан кам таъминланган. Натижада айниқса вегетация даврида ортикча кўп миқдорда сувларнинг исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

Массивдаги суғориш каналларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,6-0,70 ни ташкил этади, яъни умумий тақсимланган сувнинг 30-40% ер остига сингади, яъни суғориш сувлари исроф бўлади.

Массивнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда-майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрлиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини асосий йиғгич, бу мелиоратив тармоқлар яъни захкашлардир. Далачиликнинг ривожланишининг асоси бу захкашдир. Бу захкашлар массив мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда муҳим роль ўйнайди.

1.4 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массивнинг умумий аҳолиси 4331 9285 та одамни ташкил қилади. Аҳолининг асосий қисми, қишлоқда яшайди. Массивдаги қишлоқлар бир-бирига яқин жойлашган. Аҳолининг кўп қисми марказий қишлоқда яшайди. Бу қишлоқлар бир-бирлари билан яхши боғланган йўл алоқасига эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони, ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирганлик даражаси жадвалда кўрсатилган.

1.2-жадвал

Массивдаги аҳоли пунктларининг тавсифи

Аҳоли пунктларининг номи	Моҳияти	Истиқомат қилувчилар умумий сони	Шундан меҳнатга қобилатлилари	Хонадонлар сони	Ободонлашганлик даражаси
Қорасув	Марказий	2673 5250	1603 3240	534 1050	Яхши
Янгикўрғон	Ёрдамчи	1658 4035	994 2010	330 807	Қониқарли
Жами		4331 9285	2597 5250	864 1857	

Массивнинг ер фонди тавсифи. Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасига биноан массивга 4655,3 1832 га ер майдони бириктирилган бўлиб, шундан 684.9 1182 га ер суғориладиган ҳайдалма ерларни ташкил қилади. Томорқа ерларининг умумий ер майдони 345,6 328 га ни ташкил қилади. Массив ер турлари бўйича тақсимланиши қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.3-жадвал

Охунбобоевномли массивининг ер фондини турлари бўйича

Ер турлари	Майдони		
	Гектар	К/х ерларига нисбатан, %	умумий майдонига нисбатан, %
1. Ҳайдалма ерлар, жами шу жумладан суғориладигани.	684,9 724,5	38,7 64,04	14,7 39,5
Лалми ерлар	515,0 207,5	29,1 18,29	11,1 11,3
1. Дарахтзорлар: жами	572,2 200	32,2 17,67	12,3 11
Шу жумладан:			
Боғзор	447,3 84,6		
Тутзор	33,0 36,4		
Токзор	88,2 49,7		
Терак	3,7 29,3		
3. Мевали питомниклар	1,8		-
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	1772,1 1132	100	38,1 61,8
4. Томорка ерлар	345,6 215		7,4 11,0
5. Бутазорлар	2,0 14,5		- 0,8
6. Ихота дарахтрари	0,3 0,6		-
7. Қумликдаги дарахтлар	2,5		-
8. Ўтлоқлар Буз ерлар	1887,6 36		40,5 1,6
9. Пичанзорлар	16,8 133		0,5 7,1
10. Ўрмонзорлар	43,6 4		0,9 0,2
11. Дарё, сойлар ва кўллар	48,4 4,5		1,0 0,2
12. Суғориш тармоқлари	31,5 19,5		0,7 1,5
13. Йўллар	58,2 12,4		1,3 0,6
14. Кўчалар ва майдонлар	275,1 4,7		5,9 0,2
15. Бошқа ерлар	169,8 275,3		3,7 15
Массив ҳудудидаги жами ерлар	4655,3 1832		100,0 100

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг тавсифи. Массив ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий тармоқ пахтачилик ва дончилик. Шу билан бирга бошқа массивлардаги сингари бу массив ҳам экинларни экиш ва ҳосилдорликни ошириш бўйига қатор ишлар амалга оширилмоқда. Далачиликни асосий кўрсаткичлари бири бўлган экин майдонлари бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби

Т/р	Экин турлари	Экин майдони	
		Га	%
1.	2.	3.	4.
1.	Пахта	505,2 404.4	42,1 43.4
2.	Донли экинлар	463,2 244.8	38,6 26.3
3.	Сабзовот экинлари	6,0 16.0	0,5 1.7
4.	Полиз экинлар	4,8 148.4	0,4 15.9
5.	Картошка	6,0 9.6	0,5 1.00
6.	Макка	154,7 34.2	12,9 3.7
7.	Бошқа экинлар	60,0 74.6	5,0 8
Жами:		1199,9 932	100 100

Жадвалдан кўриниб турибдики массивдаги экинлар таркиби ҳосилдорлиги ҳозирги ва массив эҳтиёжини қондиради. Массивда айрим экинларнинг ҳосилдорлиги бироз пастроқ. Массивда фойдаланилаётган ҳайдалма ерлар 684.9 724.5 га ни ташкил этади. Чорвачилик тавсифи. Республикамиз суғориладиган минтақалари пахтачилик хўжаликларида пахта билан биргаликда чорвачилик соҳасини ривожлантиришда аҳолида аҳамиятга эга.

Шунга асосан ҳам массивда чорвачиликнинг баъзи тармоқлари айниқса қорамолчилик аста-секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида массивни ўз озуқа базасига эга бўлиши кўзда тутати.

Чорва моллари турлари, таркиби.

Т/р	Моллар турлари	Ўлчов бирлиги	Микдори.
1	Йирик шохли қорамоллар	бош	162

2	Шу жумладан: сигирлар	бош	45
---	-----------------------	-----	----

3	Бузоқлар	бош	95
4	Хўнажинлар	бош	20
5	Наслдор буқалар	бош	2

1.6-жадвал

Чорвачилик махсулотлари миқдори.

Т/р	Моллар турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Йирик шохли қорамоллар	бош	262
	Жами етиштирилган гўшт	тонна	26,2
2.	Соғин сигирлар	бош	145
	Жами етиштирилган сут	цент	450
3.	Пилла	цент	65

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида хулоса қилиш мумкинки массив ишлаб чиқаришда асосан деҳқончиликка йўналтирилган.

**2-боб. Сув кадастрининг Давлат кадастрлари ягона
тизимидаги аҳамияти**

2.1 Давлат кадастрлар ягона тизимида сув кадастрини аҳамияти

Давлат кадастрлари ягона тизими – давлат кадастрлари маълумотларини, кадастр объектларига тааллуқли бўлган ўзга маълумотларни, шунингдек бошқа зарурий маълумотларни ўз ичига олувчи кўп мақсадли ахборот тизимидир.

Давлат кадастрлари ягона тизими “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудларининг табиий-хўжалик салоҳиятини ягона умумдавлат яхлит ҳамда комплекс ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлаш мақсадида географик ахборот тизими (ГАТ) шаклида яратилади ва юритилади.

Давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти, шу жумладан ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишни бошқариш ва прогнозлаш масалаларини ҳал қилиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш бўйича лойиҳавий қарорлар ишлаб чиқиш ва бошқалар учун зарур бўлган ахборот билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

кадастр объектларининг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраш;

макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;

кадастр ахборотини шакллантириш услубиётининг ягоналиги;

кадастр ахборотининг аниқлиги;

кадастр ахборотининг очиқлиги.

Ваколатли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун зарур маълумотларни ушбу Низом, шунингдек тегишли давлат кадастрларини юритиш тўғрисидаги низомлар билан белгиланган кўринишда, ҳажмларда ва муддатларда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига бепул тақдим этишлари шарт.

Ер, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмонлар, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва посёлкалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ҳамда темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, табиий ва техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезик пунктлар ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизими объектлари ҳисобланади.

Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотларининг ҳар бир давлат кадастри бўйича таркиби кадастр ахборотининг қуйидаги турларини ўз ичига олади:

рўйхатдан ўтказишга оид;

ҳисобга олишга оид (объектларнинг миқдор ва сифат тавсифлари);

баҳолашга оид (сифат ва қиймат тавсифлари).

Ҳар бир давлат кадастри бўйича маълумотлар босқичма-босқич, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш ишларининг бажарилиши имкони қадар шаклланади.

1:200 000 масштабдаги топографик асос (шу жумладан рақамли кўринишда) ва давлат ер кадастри маълумотлари давлат кадастрларини юритиш учун базавий асос ҳисобланади. Заруратга кўра давлат кадастрларини юритиш учун бошқа масштаблар карта ва планларидан фойдаланилади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг, шунингдек ваколатли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг Давлат кадастрлари ягона тизимига маълумотларни тақдим этувчи мансабдор шахслари ахборотнинг аниқлиги учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Давлат сув кадастри бўйича – ваколатли ташкилотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (“Ўзгидромет” маркази) – бош ташкилот; Давлат геология қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги):

- а) табиий сув манбалари (“Ўзгидромет” маркази):
- кадастр объектининг номи;
 - юридик ва жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили;
 - кадастр объектининг идоравий мансублиги;
 - кадастр объектининг мақсад вазифаси;
 - кадастр объектининг ўрнашган жойи;
 - кадастр объекти ишга солинган сана (сунъий сув объектлари учун);
 - дарё ва қўллардаги сув сатҳи (белгиланган муддатларда, шунингдек критик вазиятлада);
 - дарё ва каналларда сувнинг асосий гидрологик постлар бўйича ўртача ойлик, ўртача йиллик ва экстремал сарфланиши.
- б) Ер ости сувлари бўйича (Давлат геология қўмитаси):
- кадастр объектининг номи (юзага келган жойи ёки участкаси);
 - объектнинг кадастр рақами;
 - кадастр объектининг ўрнашган жойи (вилоят, туман, географик координаталари);
 - кадастр объекти ишга солинган сана (сунъий сув объектлари учун);
 - юридик ёки жисмоний шахснинг – мулкдор, эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг номи ва манзили;
 - фойдали қазилманинг (ер ости сувларининг) тури: чучук, минераллашган, термал, минерал, саноатга оид;
 - тасдиқланган эксплуатацион заҳиралар тўғрисида маълумотлар (миқдори, заҳираларни тасдиқлаган орган, тасдиқлаш санаси);
 - сув олиш (эксплуатацион) иншоотининг тури ва эгаллаган майдони;
 - сувдан фойдаланиш мақсади ва олинадиган сувнинг миқдори;
 - кадастр объектининг жойлашиш, сув олиш иншоотларининг санитар муҳофазанинг чегаралари кўрсатилган жойлашиш схемаси;
- в) сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги):

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ойлар, йил чораклари бўйича ва бутун йил давомида сув ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланиш тўғрисида сувдан фойдаланиш турлари: суғориш, коммунал хўжалик, саноат, энергетика, балиқ хўжалиги бўйича бўлинган маълумотлар;

сув ресурсларининг қиймат баҳоси;

сувдан фойдаланувчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

2.2 Давлат сув кадастрининг мазмуни

Давлат сув кадастри (кейинги ўринларда матнда ДСК деб аталади) "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, хўжалик фаолиятини, экологик вазиятни баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилади ва юритилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат сув кадастри ягона давлат сув фондини ташкил этувчи сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги тартибга солинган, доимий тўлдириб бориладиган ва зарурат бўлганда аниқлаштириладиган маълумотлар тўпламини ифодалайди.

Ер усти ва ер ости сув объектлари ва уларнинг ресурслари Давлат сув кадастрининг объектлари ҳисобланади.

Табиий сув ресурсларини, улардан миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланишни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ва сувдан хўжалик мақсадларида фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш Давлат сув кадастрининг предмети ҳисобланади.

Сув ресурсларини баҳолаш деганда ҳам йил давомида, ҳам кўп йиллар давомида стандарт гидрометрик асбоблар билан ўлчаш орқали уларни миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича мунтазам ҳисобга олиш, олинган маълумотларнинг

ишончлилиги таҳлили, уларни стандарт усуллар билан қайта ишлаш ва турли ҳудудий ва вақт бирликлари бўйича умумлаштириш тушунилади.

Давлат сув кадастри давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Энг кам чиқимлар билан замонавий даражада ахборотларни тўплаш, умумлаштириш, сақлаш ва тақдим этиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириб бориш йўли билан сув ресурслари ва сув объектлари ҳақида ишончли ахборотни олиш ва сақлаш давлат сув кадастрининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Сув объектлари ва сувдан фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, сув миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, сув ресурсларини ва улардан фойдаланишни баҳолаш давлат сув кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Қуйидагилар Давлат сув кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

- ❖ республиканинг барча сув объектларини қамраб олиш;
- ❖ сув ресурсларини ва улардан фойдаланишни ҳисобга олишнинг ягона тизимини қўллаш;
- ❖ бошланғич кадастр ахборотини қайта ишлаш усулининг ягоналиги;
- ❖ Давлат кадастрлари ягона тизими талабларини ҳисобга олиш;
- ❖ Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларга марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилиш;
- ❖ сув-кадастр ахборотининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатларга асосланганлиги;
- ❖ Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг узлуксизлиги;
- ❖ кадастрни юритишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият кўрсатиши;
- ❖ сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг тежамлилиги;

- ❖ фойдаланувчилар доираси чекланган маълумотларнинг махфийлиги.

Давлат сув кадастри республика сув объектлари тўғрисидаги ахборотни қайта тиклашнинг тўлиқ туркумини ташкил этувчи асосий ва жорий турларни ўз ичига олади. Давлат сув кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган тартибда қабул қилинган сув-кадастр ахбороти сув ва сув хўжалиги муносабатларини тартибга солишда, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда мажбурий юридик кучга эгадир.

Республика ҳудудида сув объектларини рўйхатдан ўтказиш, сув ресурслари, уларнинг режими, фойдаланиш, шунингдек сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги миқдор ва сифат баҳо кўрсаткичлари ҳақида ишончли, замонавий ва тежамли ахборотларни олиш, тартибга солиш, сақлаш ва уларни фойдаланувчиларга беришнинг технологик жараёни Давлат сув кадастрининг мазмуни ҳисобланади.

ДСК маълумотлари қуйидагиларда фойдаланиш учун мўлжалланади:

- ❖ сувдан фойдаланишни жорий ва истиқболли режалаштириш ҳамда сувни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;
- ❖ мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;
- ❖ сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш схемаларини ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш;
- ❖ сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сув хўжалиги, транспорт, саноат корхоналари ҳамда бошқа корхоналар ва иншоотларни лойиҳалаштириш;
- ❖ гидрологик ва гидрогеологик шароитлар, дарёларда сув ҳажми ва сув сифати ўзгаришларини прогнозлаш;
- ❖ сув хўжалиги тизимлари иши самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ❖ сувни истеъмол қилиш ва чиқариб юборишни, шунингдек, сув сифати кўрсаткичларини нормалаштириш;

- ❖ сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ❖ сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ❖ сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар билан бошқа манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш;
- ❖ сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Давлат сув кадастри сув ва сув хўжалиги объектларининг қуйидаги турлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади: Дарёлар; турли сув тизимларини бирлаштирувчи, оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга ёки суғоришга хизмат қилувчи каналлар; кўллар ва сув омборлари; музликлар; ер ости сувлари (ҳавзалар, сувли горизонтлар, конлар).

Гидроузеллар ва сув омборлари; сув объектларидан сув олишга мўлжалланган иншоотлар (каналлар, насос қурилмалари, фойдаланиш кудуқлари ва бошқалар); оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга хизмат қилувчи каналлар; фойдаланилган ва шахта сувларини сув объектларига ташлаш иншоотлари (коллекторлар, дренаж ва сув тўпланадиган каналлар, кувурсимон сув чиқаргичлар ва бошқалар); фойдаланилган сувларни тозалаш иншоотлари.

Давлат сув кадастрлари маълумотлари қуйидагиларга бўлинади:

- ❖ архив материаллари (дафтарчалар, жадваллар, ўзи ёзадиган техниканинг ленталари ва бошқалар);
- ❖ узоқ муддатли техник манбалардаги маълумотлар;
- ❖ эълон қилинадиган материаллар (сув ва сув хўжалиги объектлари каталоглари, ҳар йилги ва кўп йиллик маълумотлар ва бошқалар).

Давлат сув кадастрлари маълумотлари таркиби Ўзбекистон Республикаси "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган "Сув кадастри маълумотлари таркиби" номли норматив-техник ҳужжат билан белгиланади. Давлат сув

кадастрлари нашрлари таркиби Ўзбекистон Республикаси "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Сув кадастрининг эълон қилинадиган қисми тузилмаси билан белгиланади. Давлат сув кадастрлари маълумотлари фойдаланувчиларга пулли нашрлар тарзида ва сўров бўйича (белгиланган тартибда) тақдим этилади.

Давлат сув кадастрларининг чоп этилаётган нашрлари, сўров бўйича бериладиган маълумотлар турлари ҳамда уларни бериш тартиби тўғрисида фойдаланувчиларга ахборот бериш учун "Ўзгидромет" маркази томонидан Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда "Сув кадастри ахборотномаси" нашр этилади.

Сув объектлари турларига ҳамда сувни ва ундан фойдаланишни ўрганиш бўйича вазифалар тақсимотиға мувофиқ Давлат сув кадастрлари куйидаги бўлимларға бўлинади:

- ❖ Ер усти сувлари,
- ❖ Ер ости сувлари,
- ❖ Сувдан фойдаланиш.

Сув объектлари сонини ва ҳолатини ҳисобға олиш объектларнинг ҳажми, ҳолати, ўрганилганлик даражаси ва муҳимлигига қараб картография, гидрогеология ва геодезия усуллари билан амалға оширилади.

Сув объектлари режимини ўрганиш тегишли идоралар томонидан тасдиқланган ҳамда "Ўзгидромет" маркази билан келишилган стандарт усуллар бўйича стандарт асбоблар воситасида олиб борилади.

2.3. Гидротехника иншоотлари ва уларнинг синфланиши

Табиий сув ресурслари дарё, кўл, сизот сувлардан фойдаланиш ёки сувнинг атроф мухитға зарарли таъсирини олдини олиш тошқинлар, қирғоқлар ювилиши билан курашиш, сел оқимларидан химоя қилиш учун фойдаланишға мўлжалланган иншоотлар дейилади

Гидротехник иншоотлар ёрдамида у ёки бу сув хўжалик тадбирлари амалға оширилади. Сув омборлари яратилади, сув сарфлари ва сатхлари бошқарилади, ўтириндилар ўтказиб юборилади ёки ушланиб қолинади.

Гидротехник иншоотлар ҳар хил вазифали бўлиб, турли табиий шароитда курилади.

Сув оқими тури (дарё, жилға, сой)да курилишга қараб гидротехник иншоотлар дарёли, ховузли, тармоқли, ер остили ва х.к. хилларга бўлинади.

Сув оқимига ўзаро таъсири ва бажариладиган хизматига, шароитларига қараб гидротехник иншоотлар қуйидагича фарқланади: сув дамловчи (тўғонлар, дамбалар ва х.к.) улар сув оқимини тўсади ёки сув омборини чегаралайди, сув оқимини сув димлаш иншоотидан тепасидаги қисми – юқори бўёф, пастдаги қуйи бўёф дейилади: иншоотнинг бевосита олдидаги юқори ва қуйи бўёфлари сатхлари фарқи иншоотга босим дейилади.

Сув ўтказувчи. Улар сувни истеъмол қилиш жойларига етказиб бериш учун хизмат қилади, масалан, дарёдан суғориладиган ерларга тўғрилаш оқимни ўзан билан ўзаро ҳаракатини тартибга солиш ва қирғоқларни тўлқинлар ва оқимлар таъсиридан химоя қилишга мулжалланган.

Мақсадли вазифалари бўйича гидротехник иншоотлар қуйидаги иншоот турларига бўлинади: умумий (сув дамловчи, сув ўтказувчи ва х.к.) улар сув омборини зарурий дамланиши ва сигимиға эришишга ва х.к. мўлжаллаган; махсус суғориш ва қуриштиш, сув тошқини, селлар, тупроқ эрозияси билан курашиш учун мулжалланган.

Фойдаланиш шароитларига қараб дарёдаги гидротехник иншоотлар асосийларга: тўғонлар, дамбалар, каналлар, ГЕС, ГАЭС бинолари ва х.к. уларнинг вайрон бўлиши, электростанциялар нормал ишлаши бузилишиға, суғориш сувни бериш тўхтасига ёки камайишға олиб келади ва иккинчи даражаликларга уларнинг бузилиши юқорида кўрсатилган оқибатларга бўйича тўрт (I-IV) синфга бўлинади.

Биргаликда ишлаши ва шароитлари билан қўшилган гидротехник иншоотлар гуруҳига гидроузел доирасида жойлашиш ўрниға қараб гидроузеллар дарёларда, каналларда, қўлларда, булоқларда бўлади. Асосий вазифалари бўйича гидроузеллар сув хўжалигининг ҳарбир соҳасига сув олувчи (масалан

суғориш учун Фарғонадаги); энергетикали; сув транспортиники; хар хил мақсадларда фойдаланиш ва аҳоли пунктларини ободоплаштириш учун дарё сувни бошқариш.


Гидроузеллар босимсиз (дарёда) ва босимли бўлади. Босимли гидроузеллар пастбосимли ($H < 10$ м), ўртача босимли ($H \approx 10 \dots 50$ м) ва юқори босимли ($H > 50$ м)ларга бўлинади.

Паст босимли гидроузеллар текисликда дарёларда сув олиш ва сув транспорти учун, дарёларнинг тоғ олди ва тоғли участкаларида сув олиш учун қўлланилади.

Ўртача ва юқори босимли гидроузеллар кўпинча комплексли бўлиб ирригация, энергетика, сув транспортни, тошқинлар, селлар билан курашиш ва х.к. учун хизмат қилади.

Гидротехник комплекс ёки гидросистема деб бирнеча гидроузелларга бирлашган ва трассанинг чизиқли участкаларнига эга бўлган ва халқ хўжалиги учун хизмат қиладиган гидротехник иншоотлар мажмуиға айтилади. Андижон ва Чорбоғ гидромелиоратив станциялари МДХда энг йириклардан хисобланади.

Тўғонлар – хар қандай баландликда маҳаллий материалдан яратилган тўғонларга грунтли дейилади, улар кўп географик хўдудларга қўлланилади.



1-расм. Сув омбори грунтли тўғон кўдаланг профили келтирилган

1- расм. Грунтли тўғон кўдаланг профили 2- расм. Жилга ўзани, 1,7- юқорига қуйи қияликларга, 3,8- юқорига ва кўдаланг кесимларини қуйи қияликлари қопламлари, 4-таянч тавсифли участкалари маккамлагич, 5,6,12 – , тегишлича тўғон а,б – ўзанли ваусиз қиррасининг жисимми ва асоси;10- дренаж, участкалар;1-тўғон 11- грунтнинг табиий сирти,13- қулф; 14-15 – қирраси;2,3-ўзанли ва

Баландлигига караб тўғонлар тўрт синфга бўлинади. Створни танлашда унинг ҳолатига ҳар хир омиллар таъсир этади. Топографик шароитлар тўғоннинг узунлиги ва баландлигини белгилайди. Тўғоннинг створи иложи борица сув оқимининг тор қисмида

минимал ер ишлари ҳажмини таъминлайдиган горизонталларга нормал қилиб жойлаш-тирилади;

- бунда грунтларнинг мустаҳкамлик тавсифлари билан баҳоланадиган инженерлик- геологик ва гидрогеологик шароитлар катта рол ўйнайди.

Тўғон створи, сув ташлаш трактини трассалаш билан бирга танланади. Қидирувлар жараёнида бир неча створлар белгиланади. Тўғоннинг бўлажак створи юқорида саналган омилларни ҳисобга олиб вариантларни техник-иқтисодий таққослаш натижалари асосидан танланади.

Қабул қилинган створ учун пикетларда ва оралик нуқталарда ер сиртки белгилари тушурилган бўйлама профиль тузилади. Створда шурфлаш ва скважинани пармалаш ёъл қурилиш меъёрлари бўйича бажарилади.

Тўғонларни лойихалашда 1- расмда кўрсатилгандек дарё водийси икки характерли участкалари эътиборга олинади, унда одатдаги вақтда сув оқадиган ўзанли қисми ва тошқинда сув остида қоладиган ўзанли қисм фарқланади (2-расм).

Дарёларнинг тоғли участкалари ва кичик жилғаларнинг кўндаранг кесимлари одатда учбурчакка ўхшаш қиёфага эга, бу ерда сув тўпланадиган участкалар ёьқ.

Грунти тўғонлар ёрдамида яратиланган сув омборларида сув сиртининг учта сатхи: жадамаштирилган (форсированнўй) ФПС; нормал босим сатки (НБС) ва ўлик ҳажм сатхи (ЎХС).

Бу сатхларнинг белгилари сув хўжалик ҳисоблари ёрдамида ўрнатилади.

Грунтли тўғоннинг кўндаланг кесими трапецияни ифодалайди, унинг катта томонини товон, кичик томонини қирраси дейилади.

Чўкиши ва силжиши тахлил қилинаётган Каттасой сув омборига ўхшаш тўғоннинг кўндаланг кесими 1- расмда келтирилган. Тўғоннинг товони ҳар доим горизонтал бўлмай жой рельефига боғлиқ бўлади.

Тўғон қирраси устидан автотранспорт юриш учун фойдаланилади ва уни баландлигини аниқлашда сув тошиб ўтмаслик шартлари ҳисобга олинади. Грунтли тўғонларда қияликларни қуйилиши грунт турига ва унинг силжиш тавсифларига боғлиқ. Қияликлар баландлик бўйича доимий ёки ўзгарувчан қилиб бажарилади.

Паст тўғонларда одатда доимий қуйилиш, ўртача ва баландликларда эса кўтарма ҳажмини камайтирадиган ўзгарувчан қуйилишлар қўлланилади. Пастки қияликларда бермалар баландлик бўйича ҳар 10...15 м, баланд тўғонларди эса бу кюветли бермалар жала сувларини ушлаш учун хизмат қилади.

Шамол тўлкинларидан қияликларни сақлаш учун бетонли, темир-бетонли плиталар, асфальт-бетон ва сув сингмайдиган ва тошли қопламалар қўлланилади.

Сув омборларни яратишда грунтли тўғонларда ташқари гравитацион турғунликлари иншоот массаси билан таъминладиган бетонли ва темир бетонли Андижондаги Қора дарёда қурилган контрофорсли ва гравитацион тўғонлар қўлланилади.

Дарёдаги гидротехник иншоотлар фойдаланиш шароитларига қараб доимий – тўғонлар, дамбалар, каналлар ГЕС, ГРЕС ва в.б. бинолар, уларнинг бузилиши бошқа иншоотларнинг ишига ёки бузилишига таъсир этади.

Капиталлиги бўйича доимий гидротехник иншоотлар тўрт И-ИВ синфларга бўлинади.

2.4 Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишнинг умумий масалалари

Давлат сув кадастри маълумотлари республика, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари, дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари бўйича, ер ости сувлари бўлими бўйича эса гидрогеология минтақалари бўйича ҳам тизимлаштирилади ва нашр этилади. Ер усти сув

ресурслари, уларнинг сифати ва ҳўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар сув объектлари ва уларнинг майдонлари, давлат ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича умумлаштирилади. Ер ости сув ресурслари, уларнинг сифати ва ҳўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар конлар, дарё ҳавзалари ва уларнинг майдонлари, сувли горизонтлар ва ер ости сувлари ҳавзалари, вилоятлар ҳамда умуман республика бўйича умумлаштирилади.

Ер ости сувлари ресурсларини баҳолаш уларнинг ер усти сувлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар давлат аҳамиятига эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича, шунингдек, сувдан фойдаланиш турлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича умумлаштирилади.

Давлат сув кадастрини юритиш тизимининг ягоналигини таъминлаш учун Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан (Давлат сув кадастрининг тегишли бўлимлари бўйича) ишлаб чиқиладиган Давлат сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмалар, Давлат сув кадастри нашрлари макетлари ва Давлат сув кадастри бўйича бошқа норматив-техник ҳужжатлар "Ўзгидромет" маркази билан келишиб олиниши керак. Сувдан фойдаланувчиларни сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлашда тезкорликни ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш даражасини ошириш учун "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ташкил этилади. Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона техник топшириқ асосида "Ўзгидромет" маркази, Давлат

геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ ахборот тизимлари негизида лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади.

Давлат сув кадастрини юритиш учун ер усти сувлари, ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро бош маркази, Давлат сув кадастри идораларга қарашли бош марказлари ташкил этилади.

Давлат сув кадастри идоралараро бош маркази функциясини "Ўзгидромет" марказининг Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бажаради. Давлат сув кадастрининг идоралараро бош марказларининг, Давлат сув кадастрининг ҳудудий марказлари ва маҳаллий органларининг функцияси ("Ер усти сувлари", "Ер ости сувлари" ва "Сувдан фойдаланиш" бўлимлари бўйича) тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази:

а) Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастрининг умумий принципларини ва илмий-услубий асосларини, Давлат сув кадастрини юритиш, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаш ва ташкил этиш тартибини ишлаб чиқади;

б) Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишга оид барча ишларни мувофиқлаштиради, йўналтиради ва бирлаштиради;

в) Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастрининг идоралараро норматив-техник ҳужжатларини (шу жумладан Давлат сув кадастрининг қўшма нашрлари макетини), шунингдек, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими учун идоралараро лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқади;

г) Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган Сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмаларни, ДСК нашрлари макетини ва ДСК га оид бошқа норматив-техник

хужжатларни, шунингдек, ДСК нинг автоматлаштирилган ахборот тизими учун лойиҳа хужжатларини келишиб олади;

д) Давлат геология кўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларини жалб қилган ҳолда ер усти сувлари ва ер ости сувлари ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғма таҳлил қилишни, боғлашни ва умумлаштиришни бажаради, Давлат сув кадастрининг кўшма нашрларини чиқаришга тайёрлайди ва нашр қилади;

е) Давлат геология кўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Давлат сув кадастри ахборотномасини нашр этишга тайёрлайди;

"Ер усти сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастрини ишлаб чиқишни ва юритишни, шу жумладан:

- бўлим бўйича Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни;
- ер усти сувларининг классификаторларини ишлаб чиқишни;
- ер усти сувлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усулларни, алгоритмларни ва машиналаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни;
- ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқишни;
- бўлим бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими функционал ва идоравий кичик тизимларни лойиҳалаш, синаш, жорий этиш ва такомиллаштиришни;
- сув кадастри ҳудудий марказлари ва маҳаллий органлари учун Давлат сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмаларни, бўлим бўйича Сув кадастри нашрлари макетларини ва бошқа норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқишни;
- ер усти сувлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни фойдаланувчилар сўровига кўра беришни;

- ер усти сувлари ресурсларини жорий ва истикбол учун ҳамда уларнинг хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришларини баҳолашни;
- Давлат сув кадастри нашрларини чиқаришга ва эълон қилишга тайёрлашни;
- ўзига қарашли муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.

"Ер ости сувлари" ва "Сувдан фойдаланиш" бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган ер усти сувлари тўғрисидаги маълумотларни Давлат геология қўмитасига ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига берилишини таъминлайди.

2.5. Массивда ҳаёт фаолият хавфсизлигининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

Ҳаёт фаолият хавфсизлиги кишилиқ жамиятининг ҳамма ҳолатларидаги шароитлар билан қизиқади ва уларни ўрганади.

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ходиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (потенциал) ва реал турларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: ҳаётга таҳлика, соғлиқка зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатади, ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики,

хавф (таваккал) даражасини бошқарса бўлади, яъни камайтирса бўлади. Бу тасдиқланиш эса маъқул бўлган таваккал концепциясига олиб келади. У абсолют хавфсизликга эришиб бўлмаслигини тушунишга асосланади. Хавфсизлик - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимоликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлик - бу инсонлар олдига қўйилган мақсаддир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир. “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” - хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат)нинг бир томонидир, айнан хавфлар улардан ҳимояланиш мақсадида.

Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб қилади. Бизнинг давримизда хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди. Мамлакат ва жамият бахтсиз ҳодисалар, ёнғинлар, авариялар ва талофатлардан улкан зарар кўриб келмоқда. Шунинг учун хавфлардан ҳимояланиш масалаларида одамларни тарбиялаш муҳим аҳамият кашф этади. Бизнинг жамиятимизни барқарорлаштиришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги муҳим ижтимоий рол ўйнайди ва халқ фаолияти хавфсизлиги даражасини оширишда улкан ҳисса қўшади.

Меҳнат муҳофазаси

Массив ҳудудида ташкил этилган фермер хўжаликларида ишчи ходимларни меҳнат фаолиятларини амалга оширишлари учун корхона раҳбари ва меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи ходим томонидан ишчи меҳнаткашлар учун хавфсиз, қулай меҳнат шароитларини яратиш лозим. Улар дала шароитида турли хил техникалар, минерал ва органик ўғитлар ва шунга ўхшаш зарарли ва хавфли манбалар билан иш олиб борадилар.

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ўсишини таъминловчи, пестицидлар зарарсизлантирувчи воситалар сифатида ўсимликшунослик амалиётига кенг кириб келган. Улар юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Бироқ бу моддалар муаян микдорда инсонга ва атроф муҳитга хавфлидир.

Кимёвий моддаларнинг инсонга таъсири улар билан бевосита (аралашмалар тайёрланганда, уруғларга, тупроққа ишлов беришда, ишлов берган усаткаларда ишлаганда) ва билвосита – ўсимлик, озиқ-овқат маҳсулолари орқали, кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далалардан олинган мева-сабзавотлар ем сифатида ишлатилганда қайсилари таркибида нитрат ва пестицидларнинг миқдори меъёрий кўрсаткич даражасидан юқори бўлганда сезилади. Пестицидлар инсон учун минерал ўғитларга нисбатан хавфлидир.

Пестицидлар билан ишлашга ҳомиладор ва эмизикли аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва 55 ёшдан катта (эркаклар ва 50 ёшдан ошган (аёллар)), шунингдек механизатор аёлларни пестицидлар ва минерал ўғитларни пуркаш, чанглатиш, ташиш, ортиш ва тушириш ишларига жалб қилиш мумкин эмас. Пестицидлар билан ишлайдиган, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили йўриқномадан ўтиши ва ўқиши шарт. Пестицидлар билан кунига - 6 соат, симоб препаратлари ва фосфоорганик бирикмалар билан – 4 соат ишлаш керак. Пестицид ва минерал ўғитлар билан бажариладиган барча ишлар механизациялаштирилган бўлиши, уларни бажаришда шахсий ҳимояланиш воситаларидан фойдаланилади. Бир қатор ишлар противагаз (газникоб) ва респираторларда бажарилади.

Фермер хўжалиги раҳбарлари далаларга кимёвий ишлов беришда ҳамиша 2 кун олдин, қишлоқ аҳолисини ва асаричиларни огоҳлантириш бериб огоҳлантиради. Асалари уялари камида 5 км узоқликка олиб чиқилади, сўнг 5-7 суткадан кейин кимёвий перепаратларнинг турига ва ишлатилишига қараб қайтарилади.

Ўсимликларга кимёвий ишлов беришда сув хавзаларидан, санитар ҳимояланиш зонасидан 300 м яқинда қўллаш мумкин эмас. Пестицидлар билан ишлов берилган участкаларда фақат рўйхат кўрсатилган муддатлар ўтгандан кейингина иш давом эттирилади. Муддатлар, қўлланилган пестицидларни физик-кимёвий хусусиятларига, уларнинг таъсир даражасига, атроф-муҳитда сақланувчанлик хусусиятларига, бажариладиган ишнинг хусусиятига (қўлда ёки машинада) ва бошқа сабабларга қараб у 1 суткадан 60 сутка оралиғида ўзгариши мумкин.

Пестицидлар кимёвий корхоналардан келтирилади, уларни фақат идишда (бочкаларда, барабанларда, канистрларда, шиша идишларда, қолипларда яшиқларда, кутиларда ва бошқ.) ясси ёки тиркаб қўлиш

Ўйиладиган подонларда, стелаларда бир бирининг устига қўйиб сақланади. Ҳар хил пестицидлар (гербицид, фунгицид, ва бошқ) бошқа-бошқа ғарамларда сақланади, улар орасидаги оралиқ 1 м дан кам бўлмаслиги керак. Препаратларни қабул қилишга ва тарқатишга омборчи жавобгардир. Омборхонага бегона шахсларнинг қириши ман этилади. Препаратларни қоплаш, тортиш ва беришда нафас олиш органларини ҳимоялаш учун ҳимоя воситаларидан фойдаланилади.

Пестицид жавобгар шахс иштирокида, махсус ёки мақсад учун мослаштирилган транспортда, фақат соз ва яхши ёпиладиган тикилган ва носозлик тузатилади, унинг учун ҳамма материалларга, асбобларга ва шахсий ҳимоя воситаларига эга бўлиш керак.

Уруғлар шамол эсадиган томонда, турар жойлар, молхона, озиқ - овқат, ем – ҳашак сақланадиган омборлар, сув манбаларидан 200 м нарида махсус биноларда дориланади. Уруғлик дориланадиган агрегатлар созланган, маҳкам беркитилган бўлиши керак.

Чигитни куруқ дорилаш қатъий ман этилади. Уруғни дорилаш даврида, бегона одамларнинг юриши ёки қатнашишига мутлақо рухсат этилмайди. Уруғликларни дорилаш вақтида ишчилар кўзда тутилган барча хавфсизлик талабларига амал қилишлари шарт, жумладан комбинзон кийиб олишлари, махсус кўзойнак, респиратор, ниқоблар тақишлари шарт.

Заҳарли химикатлар билан ишлайдиган кишиларнинг шахсий ҳимоя воситалари: коржома, ниқоб, противогаз ва махсус этиклар ўзларига лойиқ бўлиши керак, акс холда тор кийим ҳаракатга ҳалақит қилади. Этик тор бўлса қадоқ қилиши, оёқ панжалари шилиниши мумкин. Натижада жароҳатланган ерга заҳарли кимёвий моддалар тушиб, уни заҳарлаши мумкин. Кийим кечак катта бўлса ҳам ишлаш хавфли бўлади, чунки кийимнинг енги ва ёқасидан заҳарли химикатларнинг чанги, зарраси тушади ва тери орқали киши организмига ўтиши мумкин. Шахсий ҳимоя воситалари ҳамиша озода бўлиши керак.

Симоб органик препаратлар билан заҳарланган кишининг оғзида металл таъм пайдо бўлиб, боши оғрийди, оғзидан сўлак оқади, кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилади. Аксарият хушидан кетиб қолади. Симоб препаратлари билан заҳарланган кишининг қорни санчиб оғрийди, ичи кетади, милки шишади ва қонаб туради. Киши тез-тез чанқайди, кейинчалик оёқ-қўли бўшашади. Сувли аммиакни соладиган машина ва транспорт воситалари хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилинган ҳолда махсус устахоналарда таъмирланади. Суюқ аммиак учун резервуарларни синовдан ўтказиш ва техник ҳужжатлаштириш, юқори босим остида ишлайдиган ишчиларникидек олиб борилади. Систерна ичини назоратдан ўтказиш ёки ичида бирорта ишни бажариш икки ишчи билангина олиб борилади (биринчи ишчи эҳтиётлик учун), улар комбинзонлар, резина этиклар ва шлангли газ ниқоблари билан таъминланган бўлиши лозим.

Ҳар бир корхонада бўлгани каби фермер хўжаликлари бошқарув биноларида ҳам электр энергияси манбаларидан кенг фойдаланилади. Электр энергияси манбаларидан ва бевосита у билан ишлайдиган ҳар хил асбоблардан фойдаланиш жараёнида ишчи-ходимлар электр хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари лозим. Жумладан электр энергияси билан ишлайдиган асбоб ускуналарларда улар ҳимоявий ерга улаш билан ҳимояланган бўлиши зарур.

Шу билан биргаликда ишчи ходимларни ташқи зарарли омиллардан ҳимоя қилиш шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланади. Буларга кўзойнаклар, қўлқоплар, махсус кийимлар, махсус бош кийимлари киради. Юқоридаги барча ишлар корхонада меҳнат муҳофазаси муҳандиси (техниги) томонидан назорат қилиниши керак.

Ёнғин ҳавфсизлиги

Ёнғин ва портлаш бизнинг ишлаб чиқаришимизга иқтисодий зарар етказиб қолмасдан, балки инсонларни бахтиз ходисаларга олиб келади. Натижада у ишлаб чиқариш қувватларига, бино иншоотларга товар моддий бойликларга зарар етказади.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларини, жумладан ғаллани ёнғиндан сақлаш энг асосий масалалардан биридир. Ғалла майдони атрофида гулхан ёқмаслик, маиший бинолар (ошхоналар) сифатида фойдаланмаслик мақсадга мувофиқдир.

Машина механизмларда ёқилғи томиб туришига йўл қўйилмайди. Механизмларнинг совитиш системаси яхши ишлаши лозим, совитувчи суюқлик оқишига йўл қўйилмайди. Механизмларнинг мойлаш тизимидан мойнинг оқишига йўл қўймаслик керак. Агарда бундай ҳолат мавжуд бўлса уни тезда тузатиш чоралари кўрилиши лозим. Совуқ кунларда техникаларнинг двигателларини олов ёқиб қиздириш қатъиян ман этилади.

Дала шароитида ҳам техникаларни таъмирлашга тўғри келади. Бундай ҳолатларда махсус тайёрланган майдончаларда ва ҳудуддаги мавжуд бинолар ва бостирмалардан фойдаланилади. Бунда жой аввало тайёрланади, бегона предметлардан тозаланади. Ёнғин хавфи бор предметлар йўқотилади, тозаланади ва бошқалар.

Юқорида келтирилган ҳолатларни келтириб чиқармаслик учун биноларда ёнғинни ўчириш мосламалари кўзга кўринадиган жойда жойлаштирилади ва унга зарур бўлган ўчириш мосламалари (сув, тупроқ ва бошқ.) жойлаштирилади. Жойларда ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш учун тарғибот ташвиқот воситалари ўранитилади. Шу билан биргаликда ёнғинни ўчириш мосламалари йилда бир моротаба техник кўрикдан ўтказилади.

Биринчи тиббий ёрдам

Массивдаги фермер хўжаликлари ишчи ходимлари ишлаб чиқаришда бир қатор ишларни бажараётганда турли хил тан жароҳати олишлари мумкин. Бунда ишчилар синиш, лат ейиш, электр зарбасидан жароҳатланиш, заҳарли ҳашоротлардан зарарланиш кабилар билан жароҳатланади. Уларга жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдамкўрсатиш талаб этилади.

Инсон организмида суякларнинг синиши ёки чиқишини шу жойнинг шишиб кетиши, одатий бўлмаган қийшайиш ва оғрик туфайли аниқлаш мумкин.

Бундай пайтда биринчи вазифа шикастланган бўғинларни кўзгалмайдиган тинч ҳолатини сақлаш керак. Лат еган жойни яхлатиш зарурдир. Бу тадбир оғриқни қолдириш билан биргаликда зарар етмаган жойларга ҳам путур етказмасликни таъминлайди ва шу ўринда беморни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. Бундай ҳолатни сақлаш синган ёки чиққан жойга фанер, картон шиналар қўйиш ёрдамида таъминлаш мумкин. Шиналарни қўйиш ва уни боғлаш вақтида имкон қадар лат еган жойни аввалги ҳолатини ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак.

Қовурғалар синган ҳолатда йўталиш, нафас олиш ва ҳаракат натижасида каттик оғриқлар сезилади. Оғриқларни олдини олиш учун беморнинг кўкрак қисмини бинт ёки сосик ёрдамида нафас чиқарган пайтда боғлаб қўйиш керак. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, жароҳатланган жойга ёд суртиш ёки иссиқ компресс қўйиш қатъиян ман этилади. Чунки бу ҳолат оғриқни янада кучайишига олиб келади. Қўл суяклари синган ҳолларда бошқа ҳоллар каби шинадан фойдаланилади. Агар шина бўлмай қолса қўл бўйинга осиб қўйилади ва бинт ёки мато билан гавдага маҳкам боғлаб қўйилади.

3-боб. Массивда сув кадастрини юритиш натижалари

3.1 Давлат кадастрлари ягона тизими юритишнинг амалдаги ҳолати

Республикада бозор муносабатларининг жадал ривожланиши шароитида иқтисодиётнинг турли соҳаларида бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш, ислохотлар шароитида долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясида республиканинг комплекс ҳудудий ривожланишини ҳисобга олиб, табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш энг зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт бошқарувининг сифати ва жамиятнинг ижтимоий ривожланиши унинг зарур ахборот билан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ. Ҳаёт динамикаси шунга олиб келадики, қарор қабул қилиш учун талаб этиладиган вақт тўхтовсиз қисқариб бормоқда. Муаммонинг объективлиги қарор қабул қилиш учун ишлов берилиши лозим бўлган ахборот ҳажми шиддат билан ортиб бораётганлиги билан ҳам белгиланади. Самарали қарор қабул қилиш одатда айрим вазирлик ёки идораларнинг бевосита фаолияти чегарасидан ташқаридаги маълумотлардан фойдаланишни ҳам тақазо этади.

Ҳудудий бирликлар ва уларда жойлашган кадастр объектлари ва ресурсларнинг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек уларнинг ривожланиши ва қайта ташкил бўлиши тўғрисидаги тўлиқ, аниқ ва замон талабларига жавоб берадиган, шунинг баробарида ҳуқуқий, иқтисодий ва техник тавсифдаги, шунингдек улардан амалда фойдаланиш ҳамда уларнинг потенциал имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ахборот мавжуд бўлсагина ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун замин яратилади.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан ҳисобланган кадастр тизими Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий тамойилларига ва мазмунига тўла мувофиқ келади ҳамда бугунги кунда иқтисодий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом”ига асосан, республикамызда 20 та давлат соҳа кадастрларини яратиш ва юритиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар масъул этиб тайинланган. Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Давлат кадастрлари ягона тизими-давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизимидир.

Айрим вазирликлар ва идораларнинг тармоқ кадастр ахборотини шакллантириш ва интеграциялаш борасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида 1996 йилдан Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратиш ишлари олиб борилмоқда, унинг таркибига 20 та тармоқ кадастрлари киради. Бироқ ўша давр амалиёти шуни кўрсатардики, давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий йўналишларини тартибга солувчи теран механизмнинг йўқлиги тармоқ кадастр ахборотини шакллантириш ва уни давлат кадастрлари ягона тизимига узатиш жараёнларига тўсқинлик қилар эди.

Бу эса ўз навбатида иқтисодий ислохотлар суръатига салбий таъсир кўрсатиб келди. Шу муносабат билан, давлат кадастрларини юритиш ва ҳудудлар тўғрисида комплекс кадастр ахборотини шакллантириш соҳаларида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2000 йилнинг 15 декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Давлат кадастрини юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда давлат кадастрларининг ягона тизими юритиш методологиясини, илмий принципларини ва концепцияларини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб,

бугунги кунда Республикамизда Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш борасида тўлақонли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли давлат кадастрларини юритиш ва яратиш тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Давлат кадастрлари ягона тизимига кирувчи давлат кадастрларини яратиш ва юритиш ишлари ваколатли вазирлик ҳамда идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳозирги кунга келиб, уларнинг барчасида кадастр бўлинмалари ташкил қилиниб, фаолият юритиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда давлат ер кадастри, давлат сув кадастри, давлат ўрмон кадастри, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри, гидротехника иншоотлари давлат кадастри, қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри, автомобиль йўллари давлат кадастри, энергетика объектлари давлат кадастри, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри, табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнлар бўлими) бўйича тематик қатлам кўринишидаги маълумотлар ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИ марказий маълумотлар базасига киритиб келинмоқда.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, картография-геодезия давлат кадастри, давлат шаҳарсозлик кадастри, темир йўллар давлат кадастри ва бошқа давлат кадастрлари бўйича географик ахборот тизими-қатламларни шакллантириш ишлари ваколатли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Бухоро ҳудудий темир йўллари бўйича: инвентаризация ва топохарита ишлари тайёрланди ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси билан ҳамкорликда геоахборот қатламлари яратилди.

Зангиота тумани бўйича тақдим этилган ер участкалари ҳамда бино ва иншоотларга оид материалларни топографик асосда Зангиота туманининг ортофотоплани ArcGIS форматига ўтказилди.

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш йўналиши бўйича – Давлат кадастрлари маълумотлари асосида ГАТ қатламлари яратилмоқда.

Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрининг гидрометеорологик ҳодисалар хавфи юқори бўлган зоналар бўйича ҳамда хавфли геологик жараёнлар рўй бериш зонаси қисми бўйича;

Давлат ўрмон кадастри;

Давлат ер кадастри ва бино ва иншоотлар давлат кадастри бўйича;

Энергетика объектлари давлат кадастри;

Чикиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;

Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;

Темир йўллар давлат кадастри;

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;

Алоқа объектлари давлат кадастри.

Ҳудудий номларни давлат ахборотлар жамламаси (базаси) га киритиш учун географик номларини йиғиш, аниқлаш ва меъёрлаштириш ишлари, ва “Географик номларнинг давлат ахборот базасини барпо этиш, юритиш учун тузилма ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш” ишларини бажарилди.

Илк бора Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари тизимини юритиш мақсадида, тегишли ҳукумат қарорлари тайёрланиб 20 соҳада давлат кадастрларини юритишининг меъёрий базалари яратилди. Тегисли вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда семинарлар ташкил этилди. Натижада, давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни, уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминланишига асос солинди.

Ушбу ахборотлар базаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, маҳаллий ҳокимиятлар, юридик, солиқ органлари юридик ва жисмоний шахслар зарурий маълумотларни олишига хизмат қилади.

3.2 Давлат сув кадастри материалларидан фойдаланиш тартиби

Давлат сув кадастрининг маълумотлари қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- сувдан фойдаланишни жорий ҳамда истидболга режалаштириш ва сувларни муҳофаза қилиш тадбирларни ўтказиш;
- мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучлари жойлаштириш;
- сувдан мажмуали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш схемаларини ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш;
- сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сув хўжалиги, транспорт, саноат ва бошқа корхоналар ҳамда иншоотларни лойиҳалаш;
- гидрологик ва гидрогеологик шароитларни ўзгаришини, дарёларнинг сувлилигини ва сувнинг сифатини башоратлаш,
- сув хўжалиги тизимидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилишини давлат назоратини амалга ошириш;
- сувдан фойдаланувчилар ўртасида, шунингдек сувдан фойдаланувчилар билан бошқа манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш;
- сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Шундай қилиб, йуқоридагилардан кўринадикки, Давлат сув кадастрининг маълумотлари турли масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади. Давлат сув кадастрини юритилиши. Сувнинг миқдор ва сифати кўрсаткичлари бўйича давлат рўйхати ва уларнинг фойдаланиши шунингдек сув кадастрининг юритилиши. Давлат бошқармалари органлари жамоатчилик ташкилотлари, корхона ва бирлашмалар махсус буюртмалари асосида шартномаларни бажариш; Тезкор ишлаб чиқарувчи тармоқ бўлинмалари билан марширути ва майдонли (авиатсион ва ер устида) гидрометеорологик ошириш қор қоплами сел ва сув тошқини натижасида босган ҳудудларни дарйоларда музликлар ҳолатини текшириш

ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш ва гидрометеорологийа бўйича ҳудудий ташкилотлар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан биргаликда гидрометеорологик хавфли табиий офат ходисалари шароитлари, улар келтирган талофатлар ҳақида тўғрисида йиғиш ва кузатув материалларини умумлаштиришни ўқиб ўрганиш. Об-хавонинг юзага келган шароитлари ҳақидаги тўғрисидаги тўплаш ва қайта ишлаш, билдиришномалар, маълумотномалар, умумий маълумотлар тузимларини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича об-хавонинг 1-5 суткалик башоратларини тузиш; Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон Республикаси ҳудудлари бўйича об-хавонинг ойлик башоратларини тузиш; Фавқулоддаги вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи об-хавонинг хавфли ходисалари пайдо бўлиш хавфи ҳақидаги бўрон огохлантиришларни тузиш.

Ўрта Осиё тоғ олди ва тоғли ҳудудларидаги ҳаво ҳарорати, ёғинлар ва қор қоплами, сув омборларидаги сув миқдори ва сатҳи, дарёлар, сув олиш, ташлаш омборлари режими ҳақида тўплаш ва қайта ишлаш;

Ўзбекистон ва Қирғизистон жанубидаги дарёлар бўйича сувнинг ўртача суткалик, ўн кунлик, ойлик, чорак ва вегетацион сарфи, шунингдек, республика дарёларидаги муз қопламининг пайдо бўлиш ходисасининг ривожланиши ҳақидаги башоратлар ва маслаҳатларни тузиш ва нашр этиш;

Хавфли гидрологик ходисалар, муз тикинлари, муз парчалари тўпланишидан ҳосил бўлган тўсиқлар, ёмғирли-қорли ва сел тошқинлари ҳақидаги огохлантиришларни тузиш; Гидрологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ, турли хил ташкилотларнинг талабномалари бўйича ишларни бажариш; Гидрологик башоратларнинг янги услубларини ишлаб чиқиш, синаш ва татбиқ этиш гидрометеорологик тўғрисида билан таъминлаш гуруҳи; тўғрисида иқлимий қайта ишлаш гуруҳи; тўғрисида фонди гуруҳи.

Бажарадиган вазифалари об-хавонинг кундалик, ўн кунлик ва ойлик бюллетенлари, об-хавонинг кескин ўзгаришлари ҳақидаги ва хавфли гидрометеорологик ходисалар ҳақидаги олдиндан бериладиган тўғрисидаги

тақдим этиш бўйича шартномаларни техник таъминлаш; ўтган ойда бўлиб ўтган об-хаво шароитлари таҳлили келтирилган маълумотномаларни тузиш; фойдаланувчиларнинг талабномаларига мувофиқ тезкор, суткалик, ойлик, йиллик ечимга эга иқлимий тўғрисида билан таъминлаш.

Иқлимий ахборотлар банкни электрон ва жадвалли маълумотномали материаллар шаклида тўлдириб бориш, услубий қўлланмалар ва гидрометеорологик кузатув тармоқларининг ўз ҳудудлари доирасида фаъолияти назоратини амалга ошириш; гидрометеорологийа бўйича марказий бошқармага гидрометеорологик ахборотларнинг тўпланиши ва юборилиши; вилоят хўжалик бошқармаси органларини ва аҳолини гидрометеорологик тўғрисида ахборот билан таъминлаш.

Ёрдамчи ўлчаш тармоқлари ва энергетика бўйича муҳандислик хизмат кўрсатиш хизмати ёрдамчи ўлчаш тармоқлари ва энергетика бўйича муҳандислик хизмат кўрсатиш хизмати Ўзгидрометнинг асосий функциянал бўлинмаларининг бири деб ҳисобланади. Асосий вазифалари бор ўлчов асбоблари ва жихозларини Ўзгидромет бўлинмаларида ишлатиш, яъни: Метеорология ва гидрометеорология асбобларини қайта тиктириш: метеорология билан таъминлаш.

Профилактика бўйича хизмат кўрсатиш; таъминлаш; янги замонавий ўлчов жихозларини киритиш; Энергетика бўлими таркибидаги бўлинмаларни сифатли ва тўхтовсиз электроқуввати ва сув билан таъминлайди; энергетик жихозларни бўлинмаларида тўғри ишлатилиши ва назорат қилиш мейорий ҳужжатларни ишлаб тиктириш; Босмаҳонаси: бўлинмаларини босмаҳона ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан таъминлаш; тезкор босма орқали гидрометеорология маҳсулоти нусхаларини кўпайтириш, ҳар хил бланкаларни босмадан чиқаради;

Автохўжалиги бўлган моддий таъминот хизмати Ўзгидромет таркибидаги мустақил тармоқ хизмати бўлиб ҳисобланади. Моддий таъминот хизмати Ўзгидромет бўлимларини режа асосида ўз вақтида моддий - техник моллари, асбоб - ускуналари, озиқ-овқат, қурилиш ва таъмир ишлари, ёқилғи билан таъминлайди капитал қурилишда ва таъмир ишларида ишлатиладиган техник - материал ва бойликларни норма асосида ишлатилишида назорат олиб боради;

Ўзгидромет ташкилотлари, бўлимларини модий - техник ва автоулов билан таъминлаш ва бажариш режаларини тузади.

Моддий - таъминот ва автотранспорт йўналишида бажариладиган ишларни ишлаб чиқади, моддий таъминот ресурсларидан оқилона фойдаланишда, ёқилғи - мойлаш, автоуловдан тўғри фойдаланиш масалаларини хал қилади; Моддий бойликларни ҳисоблаш, сақлаш ва омбор хўжалиги ишларини юритишни ташкил қилади; Ўзгидромет ташкилотлари ва бўлимларида қурилиш - таъмир ишларини ташкил қилиш, амалга оширишда, иш жарайонини назорат қилиб боради.

Ўзгидромет гидрологийа соҳаси режимли фаолиятини мунтазам ва ҳар тамонлама ўрганиш; Бирлашган нашрнинг "Ер усти ва ер ости сувлари ресурслари ва уларнинг ишлатилиши ва сифатини аниқлашда иштирок этадиган бўлинмалар билан услубий қўлланма тайёрлаш". Айнан: Ўзбекистон Республикасининг геология ва минерал ресурслар бўйича Давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги.

Амударё ва Сирдарё хавзаларида (Ўзбекистон ҳудудидаги) гидрологик кузатувларни таҳлил қилиш, тузиш, таҳрир қилиш ва уларни босмага тайёрлаш, ҳамда давлат сув кадастрига "Ҳар йилги берилган тартиб ва ер юзаси сувларини қуриш ресурсларига киритиш; Ўзбекистон сув омборлари гидрометеорологик режимлари ва сув баланси тезкор бюлетининг тузиш; ГМИТИ билан биргаликда тармоқда ПЕВМ да гидрометеорологик ахборотларни автоматлаштирилган қайта ишлашни жорий этиш; бошқа ташкилот ва идоралар талабгорларни жорий гидрологик тўғрисида билан таъминлаш.

Хавфли гидрометеорологик воқеаларни мониторингли кузатишни ўтказиш Ташкилотларни талабларига мувофиқ ихтисослаштирилган ишларни бажариш ГМИЎИ да ўтказиладиган хавфли гидрометеорологик воқеаларни ўрганиш бўйича илмий текшириш ишларида қатнашиш. Хавфли сел, тошқин зоналарда жойлашган халқ хўжалик объектларини рўйхатини тузиш Гидрометеорологик воқеаларни табиий офатини хавф хатарини камайтириш бўйича Фавқулотта вазиятлар вазирлиги билан бирга ишлаш. Хавфли гидрометеорологик воқеаларни мониторинг объекти қор кўчмаларини кузатиш: Ўзбекистоннинг тоғли

майдонларида (худудларида) кўчкиларни аеровизуал кузатиш махсус қор кўчиш станцийаларида ер орқали кузатиш экспедитцион кузатувлар

Ўзбекистоннинг тоғли ва тоққа яқин ўлкаларида селнинг ўтишини аеровизуал кузатишлар экспедитцион кузатувлар буюртмачининг баъзи бир объектиарида махсус ишлаш. Хавфли тоғли тўғонли кўлларни ҳолатини кузатиш. Тоғли калларнинг хавфли қисмларида вақтинча қўйилган гидрологик постлардан ер орқали кузатилади.

Қўшимча равишда Ўзбекистоннинг тоғли худудларида қор остидаги сувнинг кўламини қор ўлчовчи ерли ва аеровизуал кузатувлар олиб борилмоқда. Вазирликлар ва идораларга хавфли воқеалар тўғрисидаги тезкор ахборотни тақдим қилиш. Хавфли гидрометеорологик воқеалар (ходисалар) хавф хатари бўйича барча вилоятлардаги халқ хўжалик объектларини рўйхатини тузиш. Ўзгидромет тармоқ бўлинмалари тезкор ишлаб чиқариш услубий қўлланмалари уларнинг фаолияти ва техник таъминоти назорати;


Бошқа ташкилотлар ва идоралар талабгорларини жорий метеорологик тўғрисида ахборот билан таъминлаш; Ўзгидромет кузатув тармоқлари статсионал ва ишлаш қобилиятини ривожлантиришини таъминлаш; Гидрологик ва агрометеорологик йилликларини ва қуруқлик сувлари сатхи ресурслари ва режимлари кўп йиллик тўғрисида тузиш ва нашрга тайёорланади.

3.3 Давлат сув кадастрини юритиш давлат ташкилотларининг функциялари

Давлат сув кадастрини юритиш бўйича услубий кўрсатмалар лойиҳаларини, Давлат сув кадастри нашрлари макетларини ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини, шунингдек, "Ер ости сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиш учун Гидрометеорология хизмати марказига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:
"Ер ости сувлари" бўлими бўйича Давлат кадастрини ишлаб чиқишни ва уни юритишни, шу жумладан:

- ❖ бўлим бўйича Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни;
- ❖ ер ости сувларининг классификаторларини ишлаб чиқишни;
- ❖ ер ости сувлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усулларни, алгоритмларни ва машиналаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни;
- ❖ ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усуллари ишлаб чиқишни;
- ❖ бўлим бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими функционал кичик тизимларни лойиҳалаш, синаш, жорий этиш ва такомиллаштиришни;
- ❖ Сув кадастри ҳудудий марказлари ва маҳаллий органлари учун Давлат сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмаларни, бўлим бўйича Сув кадастри нашрлари макетларини ва бошқа норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқишни;
- ❖ ер ости сувлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни фойдаланувчилар сўровига кўра беришни;
- ❖ ер ости сувлари ресурсларини жорий ва истиқбол учун ҳамда уларнинг хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришларини баҳолашни;
- ❖ "Ер ости сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастри нашрларини чиқаришга ва эълон қилишга тайёрлашни;
- ❖ ўзига қарашли муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.





1-расм. Давлат сув кадастри бўлимларга бўлиниши.

"Ер усти сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро қўшма нашрларини тайёрлаш ва Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган ер ости сувларига оид материалларнинг Гидрометеорология хизмати марказига берилишини таъминлайди. "Сувдан фойдаланиш" бўлими бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотларнинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига берилишини таъминлайди.

"Сувдан фойдаланиш" бўлими бўйича Давлат сув кадастрини ишлаб чиқишни ва уни юритишни, шу жумладан. Давлат сув кадастрини (жумладан, Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини) юритиш тизимини ишлаб чиқишни ва такомиллаштиришни.

Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларни назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усуллар, алгоритмларни ҳамда машиналаштирилган дастурларни ишлаб чиқишни; ахборотларни кодлаштириш ва сақлаш усуллари ишлаб чиқишни.

Сув кадастри автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал кичик тизимларини лойиҳалашни, синашни, жорий этишни ва такомиллаштиришни; ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари, магистраль каналлар (тизимлар) бошқармалари ва ирригация тизимлари бошқармалари учун Давлат сув

кадастрини юритиш бўйича услубий кўрсатмаларни, Давлат сув кадастри нашрлари макетларини ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини ишлаб чиқишни; сувдан фойдаланувчилар, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва беришни; сувдан фойдаланишни жорий ва истиқбол учун баҳолашни ҳамда сув хўжалиги ҳисобот балансларини тузишни. "Сувдан фойдаланиш" бўлими бўйича Давлат сув кадастри нашрларини чиқаришга ва эълон қилишга тайёрлашни; ўзига қарашли муассаса ҳамда ташкилотлар томонидан бажариладиган Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритишга оид ишларга раҳбарлик қилиш, режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади.

Давлат сув кадастрини юритиш бўйича услубий кўрсатмалар лойиҳаларини, Давлат сув кадастри нашрлари макетларини ва Давлат сув кадастрининг бошқа норматив-техник ҳужжатларини, шунингдек, "Сувдан фойдаланиш" бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимида оид лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиш учун Гидрометеорология хизмати марказига тақдим этади.

"Ер усти сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро қўшма нашрларини тайёрлаш ва Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган сувдан фойдаланишга оид материалларнинг Гидрометеорология хизмати марказига берилишини таъминлайди. "Ер ости сувлари" бўлими бўйича Давлат сув кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотларнинг Давлат геология қўмитасига берилишини таъминлайди.

Чироқчи тумани Охунбобоев массиви ҳудудида суғориш иншоотлари бўйича сув кадастри маълумотлари юритиб борилади. Ҳозирда массивда Эскианхор канали, Қайирма каналлари мавжуд. БМИ мавзуси доирасида Қайирма канали мисолида сув кадастри юритиш бўйича сув иншоотларини рақамлаштириш лойиҳаланди. Бунда Қайирма каналини вегетация давридаги сув сарфи ҳисоблаб чиқилди. Натижалар қуйидаги 3.1-жадвалда келтирилган.

Қайирма каналнинг вегетация давридаги сув сарфи жадвали

экин тури	АПРЕЛЬ			МАЙ			ИЮНЬ			ИЮЛЬ			АВГУСТ			СЕНТЯБРЬ			ОЖИМ, млн.м ³
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	
ПАХТА			66	146	241	306	329	333	384	439	516	447	377	329	244	232			3,88
ДОН	248	254	280	268	215	168													1,25
БЕДА	5	8	14	16	19	19	21	21	26	31	29	28	22	21	19	17	10	5	0,29
МАККА																			
САБЗАВОТ	3	3	4	4	4	4	5	5	5	6	9	10	8	5	4	4	3	3	0,08
ПОЛИЗ			2	2	2	2	2	3	3	3	2	2	2	2	1	1	1		0,02
БОГ	16	47	47	56	62	61	68	73	73	72	65	60	55	49	46	33			0,78
ТОМОРКА	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	104	1,65
БОШКАЛАР																			
ТАКРОРИЙ									45	57	78	97	71	74	55	51	22	17	0,50
ОРАЛИК	7	14	21	25	29	29	32	33	37	42	42	39	31	28	26	21	13	8	0,42
ХАММАСИ Q м ³ /с	0,38	0,43	0,54	0,62	0,68	0,69	0,56	0,57	0,68	0,75	0,85	0,79	0,67	0,61	0,50	0,46	0,15	0,14	8,88
КПД в/х	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	0,77	
хуж. чегар. Q м ³ /с	0,50	0,56	0,70	0,81	0,88	0,90	0,73	0,74	0,88	0,98	1,10	1,02	0,87	0,79	0,65	0,60	0,20	0,18	
хажми млн.м ³	0,43	0,48	0,60	0,70	0,76	0,86	0,63	0,64	0,76	0,85	0,95	0,97	0,75	0,69	0,62	0,52	0,17	0,15	
Усиб бориши, млн.м ³	0,43	0,91	1,52	2,21	2,97	3,83	4,46	5,10	5,86	6,71	7,66	8,63	9,38	10,07	10,68	11,20	11,37	11,53	11,53

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики баҳор ойларида бошлаб сув сарфи сезиларли даражада ортиб боради. Айниқса ёзда бу кўрсаткичлар энг юқори даражага кўтарилади. Кузда эса сув сарфини камайиши кузатилади.

Қайирма канали кадастр маълумотларини юритишда массивнинг электрон картаси ArcGIS дастури ёрдамида бажарилиб, Қайирма канали маълумотлари дастурнинг қуйидаги ойнаси ёрдамида кўрилади ва ўзгаришлар доимий равишда киритилиб, янгиланиб борилади. Қуйидаги расмда юқорида айtilган дастур ойнасини кўриш мумкин.

Атрибути	
Канал Қайирма канали	
OBJECTID	2
Объект_номи	Қайирма канали
Кадастр_рақами	18:13:К:136
Манзили	Кашкадарё вилояти Чироқчи тумани Охунбобоев массиви
Идоравий_мансублиги	Амусурхон хавза бошқармаси
Сигими	18 метр
Мухофаза_қилиш_тизим_тоифаси	ИИББ
Класси	2 класс
Сув_истемолчилари	Дехқон ва фермер хўжаликлари
Лойиҳа_бўйича_зилзила_бордошлилиги	7 балл
Қурилган_санаси	1974-1979
Охириги_таъмирланган_санаси	2008 йил
SHAPE_Length	10452153,492291
SHAPE_Area	6289912816968,41
Охириги_таъмирланган_санаси Текст (Длина сегмента = 50) Допустимы нулевые значения	

Бу расмда Қайирма канали тўғрисидаги маълумотлар берилган.

ХУЛОСА

Давлат сув кадастри маълумотлари республика, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари, дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари бўйича, ер ости сувлари бўлими бўйича эса гидрогеология минтақалари бўйича ҳам тизимлаштирилади ва нашр этилади. Ер усти сув ресурслари, уларнинг сифати ва хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар сув объектлари ва уларнинг майдонлари, давлат ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича умумлаштирилади. Ер ости сув ресурслари, уларнинг сифати ва хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар конлар, дарё ҳавзалари ва уларнинг майдонлари, сувли горизонтлар ва ер ости сувлари ҳавзалари, вилоятлар ҳамда умуман республика бўйича умумлаштирилади.

Ер ости сувлари ресурсларини баҳолаш уларнинг ер усти сувлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар давлат аҳамиятига эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича, шунингдек, сувдан фойдаланиш турлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича умумлаштирилади.

Давлат сув кадастрини юритиш тизимининг ягоналигини таъминлаш учун Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (Давлат сув кадастрининг тегишли бўлимлари бўйича) ишлаб чиқиладиган Давлат сув кадастрини юритишга оид услубий кўрсатмалар, Давлат сув кадастри нашрлари макетлари ва Давлат сув кадастри бўйича бошқа норматив-техник ҳужжатлар "Ўзгидромет" маркази билан келишиб олинishi керак. Сувдан фойдаланувчиларни сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлашда тезкорликни ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш даражасини ошириш учун "Ўзгидромет" маркази,

Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ташкил этилади. Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона техник топшириқ асосида "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ ахборот тизимлари негизида лойиҳалаштирилади ва ташкил этилади.

Давлат сув кадастрини юритиш учун ер усти сувлари, ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари бўйича Давлат сув кадастрининг идоралараро бош маркази, Давлат сув кадастри идораларга қарашли бош марказлари ташкил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонуни). Т.: Ўзбекистон, 1999
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг
3. янги қонунлари 19 сон, Т.:Адолат,1998
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари 19 сон, Т.:Адолат,1998
5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан қолсин эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000
6. Бобожонов А.Р, Денисов В.В, Рахимов Э.Р. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Т.: 1992
7. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1 –жилд. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Т.:2000
8. Толипов Ғ.А. ва бошқ. Ўзбекситон Республикасининг ер кадастри. Т.Ўзагроинформ,1994
9. “Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш” мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. В 621500-Ер тузиш ва ер кадастри мутахассислиги учун. Тузувчилар Бобожонов А.Р, Тўлаганов М.Ж. Т.:ТИҚХМИИ, 2000
10. Қурбонов Э.Қ, Бобожонов А.Р, Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТТЕСТ, 1999
11. Временные указания по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов. РД-34-0212-00. Ташкент, 2002-22 стр.
12. Ер ва қонун. Усмонов М.Б. Адолат, 1994 йил.
13. Ер қонунчилигини бузганлиги учун Ер ресурсларидавлат қўмитаси органлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортишга оид вақтинчалик йўриқнома. 1999 йил 11 майдаги Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.
14. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1 –жилд. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Т.:2000
15. Ер ҳукуки. Нигматов А. Меҳнатобод ислом университети. 2001 й.
16. Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш тўғрисида. 1994 йил 24 ноябрдаги Президент Фармони.

17. Методические Рекомендации о порядке проведения работ по перераспределению земельного фонда реорганизуемых сельскохозяйственных предприятий в фермерские хозяйства. Ташкент, 2002, -8 стр.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. A.B.Voxidov, A.N.Nazirov, K.N.Norxo'jayev. Geodeziyaga doir ruscha-o'zbekcha lug'at.T., O'qituvchi , 1989.
2. Maslov A.V, Gordeev A.V, Batrakov Yu.G. Geodeziya, M., Nedra,1992.
3. Nazirov A.N. Geodeziya. T, O'qituvchi ,1984.
4. Muborakov X.M, Z.D.Oxunov, M.X.Parmonov. Injenerlik geodeziyasi. T. TIKXMII, 1990.
5. F.M.Raximboyev, M.Xamidov. Qishlok xo'jalik melioratsiyasi. T. "O'zbekiston", 1996.
6. M.A.Girshberg. Geodeziya. M., Nedra. 1967.
7. V.M.Golubkin i dr. Geodeziya. M., Nedra, 1985
8. N.V.N.Yakovlev. Высшая geodeziya. M., Nedra, 1989.
9. Uslovnye znaki dlya topograficheskix planov masshtabov 1:5000, 1:2000,1:1000, 1:500. M., Nedra, 1989.
10. Kurs injenernoy geodezii /V.Ye,Kovak, V.G.Ladonnikov i dr. M., Nedra, 1986
11. V.N.Ganшин, L.S.Xrenov. Tablitsy dlya razbivki krugovyx i perehodnyx krivyx. M., Nedra, 1985.
12. Instruksiya po nivelirovaniyu I, II, III i IV klassov. M., Nedra.,1990.
- 13.Nurmatov E. X., Musayev I. M, Geodeziya va kartografiyadan ruscha –o'zbekcha atamalar . Toshkent –2000.
14. Qo'ziboyev T.K. Geodeziya T., O'qituvchi 1982.
15. Norxo'jev K. Injenerlik geodeziya T., O'qituvchi 1984.
16. Qo'ziboyev T.K. Texnikaviy nivelirlash. T., O'qituvchi , 1980.
17. Norxo'jev K. Injenerlik geodeziyadan praktikum T., O'qituvchi 1984y.
- 18.Jo'rayev D.O. Nosirova D.R. geodeziya 1-qism. Uquv qo'llanma, T., 2002.

19. E.Nurmatov, U.O'tanov. Geodeziya. O'quv qo'llanma T., O'zbekiston 2002.

M.M.Livanov. Qurilishda geodeziya. T., 1978

ИЛОВАЛАР